



РЕШЕНИЕ ХОКИМА

Самаркандского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2017-у.г. «14» апрел № 808-К Самарқанд т.-р. Самарқанд

Самарқанд туман «Улуғбек» қишлоқ фуқаролар йиғини «Гулистон агротехсервис» агрофирмаси ҳудудидан фуқаро Халиков Хуршедга мавжуд эски автобекат ўрнига замонавий авто бекат, яхна ичимликлар, пайнет ва идора ашёлари сотиш дўкони қуриш учун рухсат бериш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги ҳаракатсизлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа объектлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш талаблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарориларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, Самарқанд вилоят ҳокимлигининг муҳофаза қилиш қўмитасининг 2017 йил 16 мартдаги 540-сонли ҳулосаси ва фуқаро Халиков Хуршеднинг туман ҳокимлигига берган хати ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер участкаси таъиниш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Халиков Хуршедга «Гулистон агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг 8,39 ва 670к контурларидаги мавжуд эски автобекат ўрнига замонавий авто бекат, яхна ичимликлар, пайнет ва идора ашёлари сотиш дўкони қуриш учун жами 30 кв метр (шундан: 14 кв метр замонавий автобекат қуриш учун, 14 кв метр яхна ичимликлар, пайнет ва идора ашёлари сотиш дўкони қуриш учун) қуришга розилик берилсин.
3. Фуқаро Халиков Хуршедга мавжуд эски автобекат ўрнига замонавий авто бекат, яхна ичимликлар, пайнет ва идора ашёлари сотиш дўкони қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Ер кодексининг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳисобларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси билан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва солиқнинг 18 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ш.Аслиев) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З.Олимов)га таъминлансин.
5. Фуқаро Халиков Хуршед томонидан «Ер кодекси»нинг 36-моддаси талаблари бузилган ҳолда ушбу қарор ўз кучини юқотган деб ҳисоблансин.
6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров